

Тошкент шаҳар Ижтимоий ўзаро ёрдам «Меҳрибонлик» ногиронлар жамияти мустақиллигимизнинг 22 йиллиги ҳамда Обод турмуш йили муносабати билан Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Обод турмуш — мустақиллигимиз пойдевори» номи маданий-маърифий тадбир уюштирилди.

**Жозибали кўрғазма**

Пойтахтимизнинг барча туманларидан тадбиркорлар йилнинг имконияти чекланган йигит-қизлар ўз кўл меҳнати билан яратган турли буюмлар, совғабоп маҳсулотлар кўрғазмасини ташкил қилишди. Ушбу кўрғазма улар жисмонан чекланган бўлишса-да, ақдан бошқалардан фарқ қилмаслигини, ўтирган жойида ҳам кўп ишга қодирлигини исботлади. Хонанда-ю ракс гуруҳларининг жозибали чиқишлари, қизиқчиларнинг ичакузар хангомалари даврага фойз бағишлади. Хомийлар томонидан байрам дастурхонни ёзилиб, ош тортилди.

Комила БОЙМУРОВА, «Ishonch» мухбири

**СИРДАРЁ**

Сирдарё вилояти Сайхунобод туманида иккита янги тикувчилик корхонаси ишга тушди.

**Тикувчилик корхонаси**

Маҳаллий тадбиркорлар Ойбек Абдусатторов ва Улуғбек Ниёзовларнинг сай-харакати билан эркаклар, аёллар ва болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқарадиган «Сайхунобод текстиль бизнес» ҳамда «Сардор текстиль бизнес» тикувчилик корхоналари фаолияти йўлга қўйилди. «Микрокредитбанк» Сирдарё шаҳар филиали томонидан уларнинг ҳар бирига ажратилган 40 миллион сўм кредит эвазига Японияда ишлаб чиқариладиган энг замонавий тикув машиналари олиб келиб ўрнатилди. Ушбу корхоналар ишга тушиши билан 24 нафар маҳаллий йигит-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

ЎЗА

**ЖИЗЗАХ**

Зафаробод туман ҳокимлиги, прокуратура ва ички ишлар бўлими ҳамкорлигида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

**Бўш иш ўринлари ярмаркаси**

Тадбирда тумандаги 39 та корхона, ташкилот ва муассасалар 152 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Шу кунги қатнашчиларнинг кўпчилиги ишли бўлишди.

Абдулмонноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

**АНДИЖОН**

Обод турмуш йилида шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси янада кўркамлашмоқда.

**Тадбиркор ҳиммати**

Балиқчи туманининг Чинобод қишлоғида фаолият йўрида тадбиркор Охунжон Ҳосилов ўзининг «Мустафо йилги маркет» дўкони атрофидаги ташландиқ жойни тартибга келтириб, мўъжаз бозорча ва ошхонани ишга туширди. Қишлоқ аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида ишга туширилган жойда 20 та тадбиркор фаолият бошлади, дейди О.Ҳосилов. — Бу ерда кийим-кечак, мева ва सबзавот, нон ва нон маҳсулотлари сотиш йўлга қўйилди.

Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири



Gazeta  
1991-yil  
21-martdan  
chiqa boshlagan

О'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 17-sentabr, seshanba № 114 (3307)

**1 октябр — Ўқитувчи ва мураббийлар куни олдидан**



**Маҳорат соҳибаси**

Фаргона шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган мактабда 23 йилдан буюн ўқувчиларга инглиз тилидан сабоқ бериб келаётган Шоира Мўминовани маҳоратли муаллима сифатида яхши билишди. Унинг чет тили сабоқларида ноанъанавий усуллар, янгича педагогик технологияларни кенг қўллаётгани, ҳар бир дарсга пухта тайёргарлик билан ёндашаётгани таълим жараёнининг сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Суратда: Ёшларнинг сеvimли устози Шоира Мўминова.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар

**Бор бўл, оқибат!**

Халқимиз азалдан етим-есирларнинг бошини силаб, муҳтожларга муруват кўрсатиб, эҳтиёжмандларни суяб келган. Ангрэн шаҳридаги 34-мактаб-интернатда тарбияланаётган 164 нафар болажонга ҳомийлик ёрдами кўрсатилиб, ўқув қуроллари солинган 36 та мактаб сумкаси ҳамда 130 та ўқув қуроллари тўплами тарқатилди.

**Меҳрдан яралган дунё**

Истиқлолнинг 22 йиллиги ҳамда янги ўқув йилининг бошланиши муносабати билан кам таъминланган ходимларнинг фарзандлари ва 34-мактаб-интернат тарбияланувчиларига совға ташкиллаштириш мақсадида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ангрэн шаҳар кенгаши раиси Равшаной Ғозиева пойтахтга йўл олди. Ўқув қуроллари савдоси билан шуғулланадиган шохобчаларни айланиб, ниҳоят бир дўкондан ўзига зарур нарсаларни топди. Ўқув қуролларини олиб кетиш тараддулида экан, дўкон бошқарувчиси Азизбек исми тадбиркор йигит билан суҳбатлашиб қолди.

— Опа, совғаларни ўқувчиларга олаёйсизми?  
— Йўқ, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига.  
Унинг мана шу бир оғиз сўзи Азизбекнинг қалбидаги меҳр-муруват туйғуларини жўш олди.

— Опа, менда савоб ишингизга бош қўшиш истаги туғилди. Келинг, мана бу сумка ва ўқув қуролларини менинг номимдан ола кетинг.

У даста-даста дафтар, ручка, қалам, рангли қоғоз, расм дафтар, турли бўёқ ва пластилинлари олиб кетиладиган юклар ёнига қўйди.  
— Ҳимматингизга балли! Кўрсатган саховатингиз ўн чандон барака бўлиб қайтсин.

Опанинг дуоси Азизбекни ўйлантириб қўйди. Бир зумдан кейин у Равшаной опага юзланди:  
— Опа, шу болаларга байрамда бир ош қилиб берсак-чи, нима дейсиз? — деди.

— Яхши бўларди. Савобнинг тагида қолардингиз.  
— Мана сизга бир миллион сўм, ош дамлатиб, болажонларга совғаларни улашиб берсангиз, — илтимос қилди у...  
Равшаной опа касаба уюшмаси аъзолари билан бозор қилиб, ош учун масаллик олаётганидан хабар топган ангрэнлик тадбиркорлар ҳам жайри ишга бош қўйиш истагида масалликларни арзон нархда сотишди. Ошнинг масалликларидан ташқари, ширинликлар, мева ва поллиз маҳсулотлари, салқин ичимликлар ҳам сотиб олинди. Мактаб-интернат раҳбари Файзулло Мирзаев билан келишиб, байрам дастурхони ташкиллаштириди. Савобли ишга Ақром Нормирзаев ҳам бош қўшиб, ҳомий ҳисобидан харид қилинган масалликлардан хуштаъм палов дамлади. Болажонлар туқин дастурхондан баҳраманд бўлиш баробарида совғалар ҳам олишди.

Шу кунги тадбирда шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Наргиза Назарова, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди раиси Отабек Аноров, «Тараққиёт» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шуҳрат Теңлашев, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмалари Ангрэн шаҳар кенгаши раиси Равшаной Ғозиева, мактаб-интернат директори Файзулло Мирзаевлар болажонларни сазимий муборакбод этиб, эзгу тилаклар билдиришди. Байрам дастурхонига «Соглом авлод учун» хайрия жамғармаси ҳам ҳисса қўшиб, барча тарбияланувчиларга музқаймоқ улашди.  
Шўх ва дилрабо қўшиқлар барчани даврага чорлади.

Республикамиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб Олмалик кон-металлургия комбинатида қарашли Ангрэн кон бошқармаси ҳам «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида 34-мактаб-интернат тарбияланувчилари учун «Нур» ресторанида байрам дастурхони тузади. Олмалик шаҳридаги «Металлург» маданият уйдан болажонларни кулгаш учун 32 нафар ёш ҳаваскор санъаткорнинг ташири болажонларга хуш кайфият бағишлади.

Мактаб-интернат раҳбари Файзулло Мирзаев кўнгилочар тадбирни уюштирган Олмалик кон-металлургия комбинатида қарашли Ангрэн кон бошқармаси маъмурияти ва касаба уюшма кўмитасига миннатдорлик изҳор этди.

Наргиза УСМОНОВА

**Наманган вилоятининг Норин тумани марказида янги автошоҳбехат мажмуаси фойдаланишга топширилди.**

**Йўловчиларга қулайлик**

Тадбиркор Каромат Аҳмаджонов ташаббуси билан 300 миллион сўмдан зиёд маблағ эвазига барпо этилган мазкур мажмуа жамоат транспорти хизматидан ташқари яна ўттизга яқин маиший хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчаларини ўз ичига олган.

Замонавий автошоҳбехатда ёшлар учун ўндан зиёд янги иш ўрни яратилди.

— Мамлакатимизда хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга қаратилаётган катта эътибор ва яратилаётган кенг имкониятлар биз, аёлларга турли соҳаларда қобилиятимизни намойён этиб, мустақил Ўзбекистонимизнинг равнақига ўз ҳиссамизни қўшишга даъват этмоқда, — дейди К.Аҳмаджонов. — Қолаверса, эл-юртга наф келтириб яшаш ҳар бир инсон ҳаётининг мазмуни бўлмоғи шарт. Бундай эзгу ниятни қалбига туғиб, изланиш ва интилиш билан яшайдиган кишилар учун юртимизда барча шарт-шароит мавжуд.

А.САТТОРОВ, ЎЗА мухбири

**Касаба уюшмалари — мустақиллик йилларида**

**Эл-юртга камарбасталик — фаолиятимиз гултожи**

Тошкент вилояти деганда мартен печлари ёнида туриб меҳнат қилаётган металлургия ёнида ер қаъридан маъдан қазиб олиб, уни мустақиллигимизни мустаҳкамлашга йўналтирилган қончилар, бепоён далаларда тер тўкаётган пахтақору галлакорлар, чорвадорлар кўз ўнгимизда гавдаланади.

Айни вақтда худудда 44 минг 209 та корхона ҳамда ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Вилоятда жаҳоннинг 106 дан ортик мамлакат билан ташқи савдо операциялари амалга ошириляпти.

Ишлаб чиқаришнинг турли жабҳаларида тер тўкаётган меҳнат аҳлига вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши тизимидаги бошланғич ташкилотлар ҳар томонлама мададкор бўлиб келишяпти. Меҳнатқашларни ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий ҳимоялаш, соғломлаштириш, уларнинг бўш вақтини мазмуни ўтказиш каби қатор юмушлар айнан шу ташкилот зиммасида.

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ**

Бирлашма кенгашининг фаолияти Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган Концепция йўналишлари, ҳуқуматимиз йиғилишларида кайд этилган устувор вазибалар ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари V Курултойида белгиланган асосий тамойиллар, шунингдек, Федерация Кенгаши томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлашга қаратилган. Айни вақтда бирлашма кенгаши тасаруфидида 2892 та бошланғич ташкилот бўлиб, улар ўз сағифа 502.954 нафар аъзони бирлаштирган.

Кейинги пайтларда республика касаба уюшмалари тизимида амалга оширилган ислохотлар, шунингдек, ЎзКУФК Устави ҳамда вилоят касаба уюшма бирлашмалари тўғрисидаги Низомнинг қабул қилиниши касаба уюшма ташкилоти фаолиятини такомиллаштиришга замин яратди.

Касаба уюшмалари фаолиятининг асосий мезонини белгилашда, унинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлашда иш бериувчилар билан тузиладиган келишув ҳамда жамоа шартномалари ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Айниқса, Вазирилар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси ўртасида 2011-2013 йиллар учун ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош Келишув имзоланганлиги ҳамда унинг ижросига бўйича уч томонлама комиссиянинг ташкил этилганлиги вилоятдаги барча бўғин касаба уюшма ташкилотлари зиммасига улкан масъулият юклатди.

(Давоми 2-саҳифада).

Матбуот анжумани

Сайлов яқин

Фуқаролар йиғинлари раислари ва улар маслаҳатчиларининг ваколат муддатлари жорий йилнинг ноябр-декабр ойларида туғаш муносабати билан мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига навбатдаги сайловни ўтказишга тайёргарлик ишлари бошланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг шу йил 12 сентябрда бўлиб ўтган мажлисида айнан шу масала атрофида муҳокама этилди.

Яқинда Олий Мажлис Сенати Кенгаши «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик қилиш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида» Қарор қабул қилиб, сайловни ўтказиш муддатини 2013 йилнинг ноябр-декабр ойлари этиб белгилади ҳамда уни ўтказишга доир тадбирлар режасини тасдиқлади.

Шунингдек, Олий Мажлис Сенати томонидан сайловни ўтказишга кўмаклашувчи комиссия тўзилди. Унинг таркибига парламент палаталари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Миллий ахборот агентлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг вакиллари киритилди.

Матбуот анжуманида Олий Мажлис Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссия раиси ўринбосари, Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси Светлана Ортикова сўзга чиқиб, ўтган давр мобайнида ўтказиб келинган фуқаролик йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови аҳолининг ҳуқуқий онги ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда талабчанликни кучайтиришга хизмат қилганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, жорий йилдаги сайлов қонун нормалари талабларига мувофиқ, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини демократлаштириш ҳамда либераллаштириш, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида бўлиб ўтади. Йиғилишда таъкидланганидек, бу йил 9756 нафар фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг 97 миң нафардан зиёд маслаҳатчиларини сайлаш режалаштириляпти.

Сайловни демократик ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда кучли фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг гоят муҳим омилли бўлган ошқоралик, муқобиллик ҳамда тенг сайлов ҳуқуқи тамойиллари асосида тайёрлаш ва ўтказиш жараёнини самарали ахборот-таҳлил асосида олиб боришни тақозо этади. Муҳими, сайловга ёшлар ва хотин-қизларни кенг жалб этиш, уларнинг фаоллигини ошириш учун барча зарур шарт-шароитлар яратиб қўйилади.

Ўз муҳбиримиз

Эътибор

Жиззах вилояти ташкил топган 1974 йили олий ўқув юртини энди тамомлагандим, — дея хотирлайди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида 36 йил масъул вазифаларда ишлаган Собир Мамадазизов. — Энг оммавий жамоат ташкилотиде фаолият кўрсатиш менга ҳаммаш заъв ва кувонч бағишлаган. Бугунги ёшларда ўзгача шижоатни кўраман. Демак, жамоат ташкилотининг келажаги ишончли кўлларда.

Ташкилот келажаги — ишончли кўлларда

Ушбу ҳаяжонли сўзлар вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан мустақиллигининг 22 йиллик байрами муносабати билан «Ҳеч ким эътибордан четда қолмасин» акцияси доирасида ўтказилган тадбирда айтилган дил изхори. Шу кунни вилоят касаба уюшма ташкилотларида ўз кўллар самарали хизмат қилиб, бугун кексалик гаштини сураётган Исом Худиев, Облакўл Жумаев, Ёқуб Рустамов, Шукр Тожиқулов, Малика Зокирова, Муҳиддин Пардақулов сингари ўндан зиёд нурунийлар шарафланди. Уларга касаба уюшмаларининг қимматбахо эсдалик совғалари топширилди.

Шунингдек, вилоят коммунал хизмати тизимида ўз кўллар ишлаган бир гуруҳ аёлларга санаторийларга бепул йўланмалар топширилди. Улар орасида баҳамлик Раъно Қосимова, Жиззах туманилик Нигора Мирзамбоева, Жиззахлик Жамила Каллиевалар бор.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Саломатлик, озодалик, экология

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Шунингдек, акция доирасида Ички ишлар вазирлиги мутахассислари, эколог-педагоглар жалб этилган ҳолда, пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйларида болаларнинг экологик ва йўл ҳаракати хавфсизлиги борасидаги билимларини оширишга қаратилган ўқув-семинарлар ташкил этилди.

Унда мутахассислар томонидан велосипеднинг атроф муҳит учун зарарсизлиги, моддий тарафдан қўлай, жуда фойдали транспорт воситаси эканлиги, ўндан фойдаланган инсон доимо соғлом, руҳи эса тетик бўлиши, велосипедни бошқариш учун махсус ҳуқуққа эга бўлиш талаб этилмасе-да, уни бошқармоқчи бўлган киши маълум нарсаларни билиши лозимлиги таъкидланди. Хусусан, велосипед товух чиқариш мосламаси билан жиҳозланган ва термоси соз бўлиши, олд томонига оқ рангли, орқа томониде қизил рангли чироқча ёки қизил рангли нур қайтаргич, ён томонларига эса зарғалдоқ ёки қизил рангли нур қайтаргич ўрнатилиши керак. Автотранспорт воситалари катта тезликда ҳаракатланишига мўлжалланган, бошқа йўллар билан туташмайдиган автомагистралларда, «Велосипедда ҳаракатланиш таъқиқланган» йўл белгиси ўрнатилган йўлларда ҳаракатланиш мумкин эмаслиги ҳақида маълумотлар берилди. Ўтказилган семинарлар чоғида иштирокчилар бу борадаги билимларини янада мустаҳкамладилар.

Веломарафон якунида «Туркистон» санъат саройининг ёзги биносиде Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва тадбир иштирокчилари учун «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг таниқли хонандалари иштирокида концерт дастури бўлиб ўтди. Унда пойтахтимиздаги 21-, 22-, 23-, 30- ва 31- Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг бир гуруҳига ташкилотчилар томонидан велосипед олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Меҳрга ташна қалбаларга меҳр улашиш мақсадида ташкил этилган тадбир иштирокчиларнинг хотирасида узоқ вақт сақланиб қолиши, шубҳасиз.

Нарзулла МАҲАМОВ, «Ishonch» мухбири

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).


ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоялашда жамоа шартномаларининг ўрни беқиёслиги ҳеч кимга сир эмас. Айни вақтда вилоятда 1 та ҳудудий, 10 та тармоқ келишувлари, туман (шаҳар) миқёсида 38 та тармоқ келишувлари ҳамда 7919 та жамоа шартномаси амал қилмоқда. Маълумотларга кўра, касаба уюшма хизматига олинган 9286 та юридик шахсининг 7919 тасида (85,2 фоиз) жамоа шартномалари қабул қилинган. Улар орқали жами 346.118 нафар меҳнаткаш манфаати қамраб олинган.

Обод турмуш йили муносабати билан кам таъминланган, эҳтиёжманд, кўп болали оилалар ҳамда ёшларни ижтимоий ҳимоялашга асосий эътибор қаратилмоқда. Кам таъминланган оилалари, бошланғич ташкилотлар етакчилари ҳамда корхоналарда жамоатчилик асосида сайланган вакиллар иштирокида ўқув-семинарлар ўтказилиб, уларга «Ўзбекистон касаба уюшмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Низом, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси ҳақида»ги қонунлар ҳамда бошқа ҳужжатлар ҳақида атрофлича тушунча берилди. Қатнашчиларга «Касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлари ходимлари ҳамда фаоллари учун меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш бўйича қўлланма» тарқатилди.

Айни кунда вилоятдаги корхона ва ташкилотларда жамоатчилик асосида сайланган 4 миң нафарга яқин вакил фаолият ҳақида ёшларни ижтимоий ҳимоялашга асосий эътибор қаратилмоқда. Кам таъминланган оилалари, бошланғич ташкилотлар етакчилари ҳамда корхоналарда жамоатчилик асосида сайланган вакиллар иштирокида ўқув-семинарлар ўтказилиб, уларга «Ўзбекистон касаба уюшмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Низом, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси ҳақида»ги қонунлар ҳамда бошқа ҳужжатлар ҳақида атрофлича тушунча берилди. Қатнашчиларга «Касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлари ходимлари ҳамда фаоллари учун меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш бўйича қўлланма» тарқатилди.

Айни кунда вилоятдаги корхона ва ташкилотларда жамоатчилик асосида сайланган 4 миң нафарга яқин вакил фаолият ҳақида ёшларни ижтимоий ҳимоялашга асосий эътибор қаратилмоқда. Кам таъминланган оилалари, бошланғич ташкилотлар етакчилари ҳамда корхоналарда жамоатчилик асосида сайланган вакиллар иштирокида ўқув-семинарлар ўтказилиб, уларга «Ўзбекистон касаба уюшмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Низом, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси ҳақида»ги қонунлар ҳамда бошқа ҳужжатлар ҳақида атрофлича тушунча берилди. Қатнашчиларга «Касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлари ходимлари ҳамда фаоллари учун меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш бўйича қўлланма» тарқатилди.



Ишмига қайтдим» ҳамда бошқа мавзуларда мақолалар доимий равишда бериб борилмоқда.

ИМТИЁЗЛАР БАРЧАГА ТААЛЛУҚЛИ

Каерда ишлашдан қатъи на-



Давлат солиқ инспекцияси, Янгийул хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи касаба уюшма кўмиталарида ҳам арзирли ишлар амалга оширилмоқда. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Қувонарлиси, етакчи-

лар режаси ишлаб чиқилиб, турли ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди. Сўнгги йилларда бирлашма кенгаши томонидан меҳнаткашларнинг, айниқса, ёшларнинг маънавий дунёқарашини ўстириш, қадимий шаҳар-

Эл-юртга камарбасталик — фаолиятимиз гултожи

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ



ларнинг 2632 нафарига 201 миллион 250 миң сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Тармоқ корхоналарига алоқадор кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 124 нафар фарзандига ўқув қуроллари ҳамда дарсликлар харид қилиш учун 3.119 миң сўм сарфланди. Шундан 529 миң сўми касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан қопланди. Нодавлат мулк шаклидаги 120 та корхона ҳамда ташкилотда меҳнат қилаётган 120 нафар ёш болали аёлнинг ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақти ҳафтасига 1 соатга қисқартирилди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун 20 нафар ёш болали 159 миңлик 250 миң сўмлик физсиз соудалар берилди. Олий ўқув юрталарида тахсил олаётган 24 нафар талаба учун 40 миллион 380 миң сўмлик шартнома пуллари-нинг бир қисми қоплаб берилди.

БОШ ЭГИБ ЧИҚМАСИН

Бирор ташкилотга мурожаат этиш учун келган киши умид билан эшик қоқсади. Бирлашма кенгашининг ҳуқуқшунослари бунни яхши билишади. Жорий йилда 172 та мурожаат рўйхатда олинди, шундан 28 тасини ёзма, 86 тасини фуқаролар қабули, 58 тасини «Ишонч телефони»га мурожаатлар ташкил этди. Уларнинг қарийб 50 фоизи халқ таълими, 45 фоизи соғлиқни сақлаш, давлат муассасалари, агросаноат мажмуи, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари, 5 фоизи эса турли фуқаролардан келиб тушди. Барчаси қонун доирасида қўриб чиқилиб, керакли тушунтириш ҳамда ёзма ҳулосалар берилди.

Иш берувчиларга ходимлар манфаатларини кўзлаб тақдимномалар киритиш, судларга даъво аризалари бериш амалиётини кенгайтириш мақсадида тармоқ вакиллари иштирокида давра суҳбатлари, ўқув-семинарлар ҳамда ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари иштирокида учрашувлар ўтказилди. Ушбу тадбирлар меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, фаоллар ҳамда аъзоларнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада оширишга хизмат қилди.

Шунингдек, бирлашма кенгаши веб-сайтида фуқаролар мурожаатлари бўйича савол-жавоб рўқни ташкил этилган. Унда «Штаблар қисқартириш натижасида ишдан кетган ходимларга афзаллик ва имтиёзлар», «Ходимни доимий ва вақтинча бошқа ишга ўтказиш тартиби ва муддатлари тўғрисида», «Севган

зар, ҳар бир ходим меҳнат қонунчилигида кўзда тутилган имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Айнан шунга кўра нодавлат сектордаги корхоналарда ҳам касаба уюшма ташкилотларини тузиш асосий масала ҳисобланади.

Шу боисдан бирлашма кенгаши мутахассислари янги тузилган корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда бошланғич ташкилотларни тузиш жараёнида уларга зарур ҳужжатларни расмийлаштиришда ташкилотлар таркиби тасдиқланди.

Шу сай-ҳаракатлар натижасида 2013 йилнинг 1-ярим йилларида 102 ташкилотда бошланғич кўмита тузилиб, 1718 киши аъзоликка қабул қилинди. Лекин бу борада ҳали кўп иш амалга оширилиши зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

НАМУНА КўРСАТИБ

Касаба уюшма кўмитаси кўнглидагидек фаолият кўрсатса, унинг нуфузи ҳам юқори бўлади. Вилоятда бундай ташкилотлар сони ортиб бормоқда. Жумладан, Агросаноат мажмуидан Болтабой Аллақулов етакчилик қилаётган Ўзбекистон гўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институти, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси тизимидан Карим Эрқабоев касабақўм раиси булган Ангренов компанияси ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежи, соғлиқни сақлаш тизимида қарашли Анора Олимова етакчилигидаги Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бошланғич ташкилотларини тилга олиш мумкин. Қибрай туманида-

ларнинг кўпчилиги интилувчан, ташаббускор ёшлардир.

ШОГИРДЛАР УСТОЗДАН ЎЗСИН

Инсоннинг қай даражада мутахассис бўлиб етишиши кўп жиҳатдан унинг устозига боғлиқ. Шу боисдан бирлашма кенгаши томонидан коллеж битирувчилари бандлигини таъминлашга кўмаклашиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан коллеж ўқувчилари ҳамда битирувчиларига бир мартали моддий ёрдам берилаяпти. Вилоятдаги орта махсус, касб-хунар коллежларидан 2011-2012 йилги ўқув йилида амалиёт ўташга чиққан 3-босқич ўқувчилари ҳамда битирувчиларига кам таъминланган ўқувчиларнинг 1884 нафарига энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдориде моддий ёрдам берилди. Ўқини имтиёзли диплом билан тугатган ёки кам таъминланган 508 нафар битирувчи энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдориде, жами 42 миллион 539 миң сўмлик моддий ёрдамдан баҳраманд бўлди.

Шунингдек, амалиёт ўтаётган ёки янги ишга жойлашган коллеж битирувчилари корхона, ташкилот ҳамда муассасалар касба уюшма ташкилотининг доимий назоратида. Уларнинг гоя беришга малакали мураббийлар бириктирилди.

Шундай шароитда ишлаган ёшлар, албатта, устозларидан ўзади.

ЯХШИ ДАМ — МЕХНАТГА ҲАМДАМ

Ҳар бир корхонада меҳнаткашларнинг ишдан буш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида касаба уюшмаларида катта тажриба тўпланган. Аъзо ташкилотлар томонидан касаба уюшмаларининг маданият-спорт муассасалари иштини яхшилаш, меҳнаткашлар ўртасида миллий гоя тарғиботини амалга ошириш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, оммавий спортни ривожлантириш, болаларни соғломлаштиришни ташкил этиш, Давлат дастурларида касаба уюшмаларига тегишли бандларни амалга ошириш, мактаб-интернатлар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида қатор ишлар амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Умумхалқ байрамлари муносабати билан алоҳида тадбир-

лар тарихи ва ёдгорликлари, халқимизнинг миллий урф-одатлари, анъаналари ҳамда, мустақиллик даврида бунёд этилган иншоотлар билан яқиндан таништириш мақсадида қадимий ва навқирон шаҳарларга саёҳатларини уюштиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. «Обод турмуш йили» Давлат дастурига асосан жорий йилнинг 6 ойи давомида 142 нафар ишчи-хизматчи, талаба ва ёшларнинг саёҳати ташкил этилди. Бунинг учун касаба уюшма ташкилотлари ҳамда ҳомийлар томонидан 26 млн. сўм сарфланди.

Болаларни соғломлаштириш ёзги мавсумига пухта ҳозирлик қилиш мақсадида вилоят оромгоҳлари ташкилотчилари учун Тошкент Давлат Аграр университетиде ўқув-амалий машғулотни ўтказилди ва бу тадбир мавсумни муваффақиятли ўтишида муҳим аҳамият касб этди.

ЯХШИЛАРГА ТЕНГЛАШЛИК

Яхшиларга эргашши халқимизга хос энг гўзал фазилатлардан. Жорий йилнинг 21 август кунни бирлашма кенгаши томонидан ўтказилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» қўриқ-танловининг вилоят босқичида ана шу жиҳат қўйга ташланди.

Унда тармоқ бўйича ҳудудий босқичларда голибликни эгаллаган жами 15 та бошланғич ташкилот фаолиятини ақо эитирувчи кургазмалар намойиш этилди. Ҳар бир етакчи ўз кургазмасидан келиб чиққан ишлар бериб ўтди.

Қўриқ-танлов натижасига кўра голиблар аниқланиб, уларга бирлашма кенгашининг махсус дипломи ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

СўНГИ СўЗ

Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда ушбу тизимдаги бошланғич ташкилотлар томонидан амалга оширилётган ишлар, авваламбор, меҳнаткашлар манфаатларига хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. Лекин ҳали бажарилиши зарур булган ишлар ҳам талайгина. Бу борада фаолият самарадорлигини янада оширишга эътибор қаратилиб, эл фаровонлиги, юрт ободлиги ва таракқиётига муносиб ҳисса қўшиш йўлида барча имкониятлар сафарбар этилмоқда. Уйлаймиқса, ушбу сай-ҳаракатлар қутилган самарасини беради.

Нобънат РАФИҚОВ, «Ishonch» мухбири

ЎЗА суратлари



«Эхтиром» нишони соҳиблари

Холида опа кўнгил одами. У сокин, маънили сўзлайди. Баъзан ажойиб хангомалар айтиб, ичани узди ҳам. Шерлар, ғазалларни маромига етказиб ўқийди. Ширин хиргойилар қилиб, лапарлар қўйлайди. Рақсага тушиб, хиром айлашидан диллар завқашавққа тўлади.

Хуллас, Холидадан опа ана шундай аёл. Хонадонда бўлганимизда гуллар дунёсига фарқ бўлиб, аклимиз шошган. Рустамбек акамизнинг опамизга бўлган меҳрини кўриб, ҳавасимиз келган. У киши ҳам элда эъзозли шифокор. Холида опанинг уч фарзанди, уч суянган тоғи, саккиз нафар шириндан-шакар набираси бор.

— Утган умримдан розиман, — дейди у. — Хаёт байрамлардангина иборат эмас. Адаси иккимиз не-не кунларни бошдан кечирмадик. Болалигимдаги ўксик-армонларим, ситам-андуҳларим бахтиёр кунларим пойида қолиб кетди.

Айтишларича, меҳра қониб ўсган болалар юраги тоза, ён-атрофдагиларга эътиборли, кўнгли очик инсонлар бўлиб камол топади. Бундайларнинг сийрати ҳам, суврати ҳам файзли, фариштали бўлади. Илк бор Гулнозани кўрганимда, шу фикр кўнглимдан кўчган. У онаси сингари шифокор-олима. Ҳунари Мирза-Раҳим ва Абдуҷаббор ишбилармон — тадбиркор. Қисқаси, уларни бахтли оила десак бўлади.

Бу кунларга етиб келгунга қадар катта ҳаёт йўли ортада қолди. Ёшлиғида Холида ҳассос қалбли қиз бўлиб, нуқул китоб йўғар, бадиий асарлар мутуола қилишни ёқтирар, жажжи шерлар ёзиб, дугоналарига ўқиб берарди... Бора-бора маҳалла қизлари унинг муҳлисига айлана борди. Мўъжаз кутубхонасининг ўқувчилари ҳам улар эди. Кейинчалик унинг қизи-кишлари тиббий соҳага кўчи ва тиббий институтга ўқишга кириб, уни 1973 йилда тамомлади.

Сўзи жонга малҳам

Олий тоифали шифокор Холида Очилова портретига чизгилар

Илк иш фаолиятини Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида бошлади. Ширинсўз, самимий шифокор тезда ҳурмат-эҳтиром топди. Ризқ-насибаси қаерда бўлса, инсон ўша ерда юради. «Тошкент минерал сувлари» физиотерапевтик даволаш масканида, кейин эса пойтахтдаги «Чинобод» санаторийида ишлаб юрган кезлари Холида бунга чуқур ҳис эгиди. Орадан 31 йил ўтибдики, шу даргоҳда ишлайди. Утган йиллар давомида фаолият кўлами тобора кенгайиб борди. Тиббий тизимида ди-агностика, графология, херомантия, нуқтали массаж, физиотерапевт ва халқ табобати бўйича тинмай изланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва Жамият қурилиш академияси тингловчилари унинг «Графология асослари» сабоқларини жон қулоқлари билан тинглаш-

ган. Айна пайтда республика Бош прокуратураси малака ошириш ўқув марказида маърузалари билан фаол иштирок этаётди. Бундан ташқари, Миллий тикланиш демократик партиясининг Юнусобод туман кенгаши «Хотин-қизлар қаноти» расиси. Илмий-амалий анжуманларда ҳам чиқишлар қилиб туради. Айниқса, Пятигорск шаҳрида бўлиб ўтган курортлоғлар анжуманида «Чинобод» санаторийи курсаткичи раҳбарига асосда ошқозон ва 12 бармоқли ичак яра касаллиқларининг эндоскопик тавсифи мавзусида қилган маърузаси унутилмас бир хотира бўлиб қолган.

Холида опа тўғрисида шуларни ёзиб ўтирсан, ҳамкасбам Комила Боймуродова хонага кириб қолди ва столим устида турган опанинг суратини кўриб, ҳаяжонланиб кетди. — Вой, мен бу аёлни яхши таниймман, — деди у. — Ошқозоним безовта қилиб, «Чинобод» санаторийига таъхис қўйдиргани борганимда зонт ютишимга тўғри келганди. Гапнинг рости, бунга эшитиб, кўрқувдан капалагим каптар бўлди. Шунда Холида Очилова охира ёнимга келди-да: — Ох, жоним-а, нега кўрқасиз, сира кўрқманг, — деди-ю аста куйлай бошлади. — Унинг овози шу қадар ширали, ёқимли эдики, маҳлиб бўлиб, қандай қилиб зонти ютиганини ҳам билмай қолдим. Шунанга ажойиб шифокор... Нафсиламбирини айтганда, шифокор Холида Очилова

минг-минглаб беморни эндоскоп орқали текшириб, ташхис қўйган. Демак, қанчадан-қанча шифо истаб сийхаттоғга келганлар унинг ширин сўзларидан, даво усулларидан баҳраманд бўлиб, саломатликларини тиклаб қайтган. Холида опанинг дўстлари кўп, тақдирлангани эшитиб, телефон кўнгираклари тинмай



САВОЛ: Ўриндошлик асосида ишловчи ходимнинг асосий иш жойида ҳомилдорлик ва туғиш нафақасини ҳисоблашда ўриндош сифатида ишлайтган корхона томонидан берилган иш ҳақи ва туғиш нафақасини ўриндош сифатида ишлаб олган иш ҳақи ҳисобидан ҳомилдорлик ва туғиш нафақасини тўлаб бериш мумкинми? М. ҲУЛОМОВ, «Европа» МЧК директори

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-қарори билан тасдиқланган «Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча қандайдир лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг III бўлим 18-19-бандларига асосан ўриндошлик ўриндошлик асосидаги иш жойи бўйича вақтинча меҳнатта лавозимли нафақаси олиш, аёллар эса, бундан ташқари, ҳомилдорлик ва туғиш нафақалари олиш ҳуқуқига эгадир. Соғлиқни сақлаш муассасаси томонидан берилган меҳнатта лавозимли нафақасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси ходимнинг юқорида назарда тутилган ўриндошлик асосидаги иш жойидан нафақа олиш учун асос ҳисобланади.

Адлия вазирлигидан 2002 йилнинг 8 май кунинда 1136-сон билан давлат рўйхатидан ўтган Меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2002 йил 1 апрелдаги 21-сонли буйруғига асосан тасдиқланган «Давлат иқтисодий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 60-бандига кўра ходим асосий иш жойидан ташқари ўша ёки бошқа корхонада ўриндошлик асосида (шу жумладан, юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахс сифатида) ишласа, нафақа барча иш жойидаги умумий иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади.

Демак, ушбу ҳолатда агар ходим асосий иш жойига ўриндошлик асосида ишлаган иш жойидан иш ҳақи тўғрисидаги маълумоти тақдим қилган ҳолатда асосий иш жойидаги маълумоти тақдим қилган вақтинча лавозимли нафақасини олиш ҳақи бўлса, асосий ва ўриндошлик асосидаги жами иш ҳақи бўйича вақтинча меҳнатта лавозимли нафақасини олиш ҳақи бўлади. Агар ходим асосий иш жойига ўриндошлик асосидаги корхонадан иш ҳақи тўғрисидаги маълумоти тақдим этмаган ва нафақа тайинлашга қўшилган бўлса, ўриндошлик асосидаги иш жойи ўриндошлик асосида олган иш ҳақи мутаносиб равишда ходим тақдим қилган вақтинча меҳнатта лавозимли нафақасининг тасдиқланган нусхасига асосан нафақа тўзлади.

САВОЛ: Ўрта махсус маълумотли ходимга ўқитувчилик вазифасини бериш мумкинми? Ф. РАҲМАТОВА, Когон туманидаги 14-мактаб директори

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 25-сон қарорига асосан тасдиқланган «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйилган давлат талабларининг 8.3. бандига асосан умумий ўрта таълим педагог кадрларига, хусусан, ўқитувчи лавозимига олий педагогик маълумотга эга бўлиши кераклиги белгиланган бўлиб, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2009 йил 15 январдаги «Умумий ўрта таълим мактабларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш янада яхшилаш ҳақида»ги 1,11,02-сонли Қўшма қарорининг 5-бандига асосан умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси лавозимига ўрта махсус маълумотли қарб-хунар билим юртлари битирувчиларини ишга қабул қилиш қатъиян ман этилган.

Агар ходим ўрта махсус маълумот билан 2006 йилгача ўқитувчи бўлиб ишлаб келатган бўлса, юқоридагиларни асос қилиб ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш асосиз ҳисобланади. Бу ҳолатда ушбу педагог ходимга тоифасиз мутахассис сифатида иш ҳақи тўлиниши мумкин.

САВОЛ: Ҳомилдорлик ва туғиш таътилидан сўнг ўз ишимга чиқишим мумкинми? Н. ЖўРАЕВА, Бухоро автотўл коллежи ўқитувчиси

ЖАВОБ: Меҳнат кодексининг 234-моддасига кўра, ҳомилдорлик ва туғиш таътили тугагандан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парвартириш учун таътил берилиб, бу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланади. Ушбу таътилни берилиши кафолат ҳисобланади, бироқ аёл учун мажбурий эмас. Аёл ундан фойдаланишга ёки воз келишга ҳақлидир. Бунда иш жойи ва лавозими сақланган ҳолда у ўз ишини давом эттириш ҳуқуқига эга. Аёл ҳомилдорлик ва туғиш таътили тугагандан сўнг болани амалда тарбия қилиши оила аъзоларига берган ҳолда ишлашга ҳақи ҳисобланади. Бунда болани икки ёшга тўлгунга қадар парвартириш бўйича нафақа болани амалда парвартиришдан шахсга тайинланишини инобатга олиш лозим бўлади.

САВОЛ: Қизим ҳеч қаерда ишламайди. У яқинда фарзандли бўлди. Набирам учун ҳомилдорлик ва туғиш нафақасини унинг отаси ишлайдиган корхонадан тайинлашни мумкинми? М. ҲАМРОЕВА, Бухоро шаҳри

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2002 йилнинг 8 май кунинда 1136-сон билан давлат рўйхатидан ўтган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2002 йил 1 апрелдаги 21-сонли буйруғига асосан тасдиқланган «Давлат иқтисодий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 81-бандига асосан боланинг онаси ишламайдиган ва ўқимайдиган ҳолларда нафақа ишлайдиган ёки ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқийдиган отаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга тўланади.

Ишламайдиган ва ўқимайдиган ота-оналарга бола тўлгунда нафақа иқтисодий таъминот бўлимлари томонидан тайинланади ва тўланади.

Саволларга Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бир-лашмаси юридик бўлими мудри И.ТОШОВ жавоб берди.

Орамиздаги одамлар

Ангорлик Панжи ота 73 ёшга тўлди, деса кўпчилик ишонмаслиги аниқ. Болалигидан суяги меҳнатда қотган эмасми, ҳали жуда тетик, ёшлардай ғайратли, ишлаб чарчамайди.

Панжи Маматқулов узок йиллар ҳайдовчилик қилди. Сўнгра, тумандаги собақ Маматқул Азизов номли жамоа хўжалигида механик бўлиб ишлади. Автомашинани, тракторни бир қарашда қандай ҳолатда эканлигини беҳато айтиб бера оларди. Созлашда ҳам бу моҳир механикнинг олдига тушадигани йўқ эди.

Сувдек сероб бўлинг

Унинг қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашга анча хизмати синган. Елиб-югуриши, фидойилиги сабаб хўжалик ҳудудига 5 та артезиан қудуқ қаздирилган. Бу қудуқлар анча йил узлуксиз ишлади, аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилди. Аммо вақт ўтиши билан айрим қудуқлар қаровсиз қолди, насослари эскирди. Шундай бўлса-да, Панжи ота артезиан қудуқларини созлаб, яна бир савобга қўл урди. Унинг жонқурлиги беиз кетмади. Қишлоқ аҳоли 2006 йилда «Карвон» маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқолига сайлади. Одамлар адашмаган экан. Маҳалла ободончилиги борасида ибратли ишлар амалга оширилди. Оқсоқол элнинг ўтидан кириб, қулдан чиқди, яхши-ёмон кунда ёнида турди. Чарчадим, кексайдим демасдан туну кун эли билан бирга бўлди. Шу боис «Карвон» тумандаги «Энг намунали маҳалла» кўрик танловида 1-ўринни эгаллади. Панжи бобо ҳозирда маҳалла кайвониси, одамлар ҳар бир ишда ундан маслаҳат сўрашади.

4 ўғил, 2 нафар қизни одобли, меҳнаткаш қилиб, элга қўшган бобо пиру давлат олмаси, неварачеваралари ардоғида пенсиясини олиб, ёнбошлаб ётса ҳам бўларди. Бироқ, меҳнат қилиб ўрганган Панжи бобо вақтини беҳуда ўтказмади. Унинг елиб-югуриши, саъй-ҳаракати, туман раҳбарларини «безовта» қилавериши туфайли «Карвон» ва «Таллашқон» маҳаллаларидаги қишлоқларни тоза ичимлик суви билан таъминлашни инвестиция дастурига киритилди. Ажратилган маблағ эвазига маҳаллалар ҳудудидagi қаровсиз қолдирилган артезиан қудуқлари қайтадан таъмирланди, қувурлар янгиланди. Янги насослар ўрнатилди. Бу ишларнинг бошида азалдан хонадонларга сув етказиб бериш билан шуғулланиб келатган Панжи бобо Маматқуловнинг ўзи турди. Чунки кек-

са мутахассис қувурлар қўчанинг қаеридан ўтказилса, сув равои оқишини яхши билади. Қувурчилар бундан хурсанд. Шу ҳисобда «Таллашқон» маҳалла ҳудудига 2,5 километр узунликда сув қувурлари тортилиб, 100 та хонадон, «Карвон» маҳалласида эса 1,5 километрни қувур тортилиб, 85 та хонадон тоза ичимлик суви билан баҳраманд бўлди. — Қариғанда бу ҳам бир эрмак экан, — дейди отахон. — Яқинда сув тортиш насослардан бири куйиб қолди. Ҳокимимиз Бахтиёр Хурсандовнинг қабулига кирдим. Вазиятни тушунтирдим. Барака топгур, халқ манфаати йўлида елиб-югуриб юганим учун раҳмат айтди. Эртасигаёқ 2 та янги насос келтириб ўрнатдик, яна жўмрақлардан тоза ичимлик сувлари оқа бошлади.

Элни сув билан таъминлаш машаққатли, айна пайтда савобли ишдир. Жўмрақлардан ўз-ўзидан сув оқмайди. Гоҳ артезиан қудуқларидан сув тортидан электр насослари бузилади, гоҳ қувурлардан сув сизиб чиқиб ётади. Гоҳ шум болалар жўмрақларни юлиб кетишади, баъзи хонадон эгалари «ҳозирча пулимиз йўқ» деб тўловни вақтида амалга оширишмайди. Буларнинг ҳаммасини назорат қилиб туриш керак. Ҳадеб «насосимиз бузилиб қолди, қувуримиз тешилди», деб ҳокимиятга югуриб бориш ҳам инсофданмас. Халқни сув билан таъминлаш, насосларнинг бекноқон ишланиши учун Панжи бобо Маматқулов баъзида нафақа пулини, баъзида фарзандларининг сармосини ишлатиб юборади. Яъни, фидойилик қилади, халқнинг дуоси, олқишига сазовор бўлиб, савоб йўлида тиним билмайди.

Панжи Маматқуловдек фидойилар бор бўлсин!

Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» мухбири



Раисанинг цехи

Мамлакатимизда тадбиркор аёллар фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманидаги «Шуглали-Дарсан» фермер хўжалиги раҳбари Раиса Аллашова кўрсатилган аниқ шундай юксак эътибор ва гамхўрликдан мамнун.

Асосан галла ва пахта етиштиришга ихтисослашган хўжаликни самарали бошқариб келатган Р. Аллашова яқинда тикувчилик цехини ишга туширди. Цехни ташкил этиш ва замонавий тикув дастгоҳлари билан жиҳозлашда ташаббускор аёлга «Агробанк»нинг молиявий кўмаги жуда қўл келди. Ун нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланган цехда пардалар, катталар ва бола-лар учун замонавий бичимдаги кийим-кечак тайёрланмоқда.

Суратда: тикувчи Элмира Ембергенова.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат

Солиқ идораларида

Қарздорлик камайди

Фойдаланилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш тизимини тубдан яхшилаш, тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида 2004 йил 1 ноябрда «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмининг тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган эди.

Маъмур қарор билан 2005 йил 1 январдан бошлаб солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар ўз вақтида тўланмаганини учун жавобарликка тортишнинг белгиланган тартиби истеъмол қилинган электр энергияси учун муддати ўтказиб юборилган тўловларга йўл қўйган юридик шахсларга ҳам таътиб этилмоқда. Қарорда бу қаралар «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси бўлинмалари томонидан ҳар ойда тақдим этиладиган тўлов талабномалари тўғрисидаги реестрлар бўйича юридик шахс рўйхатдан ўтказилган жойдаги

давлат солиқ хизмати органлари томонидан ундирилиши белгилаб қўйилган. Солиқ идоралари ва «Тошкент шаҳар ЭТК» ОАЖнинг туман бўлинмалари билан ҳамкорликда тўлов муддати ўтган қарзларни йиғиш ва юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун маблағларнинг тўлиқ тушишини назорат қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида Бектемир туманида фаолият юритаётган айрим юридик шахсларнинг электр энергияси истеъмоли учун муддати ўтган қарздорлигини қисқартириш борасида туман электр тармоқлари билан ҳамкорликда тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, фойдаланилган электр энергияси бўйича муддати ўтган дебиторлик қарзларни қисқартириш юзасидан тегишли чоралар белгиланди.


Бунда асосан электр энергиясини истеъмол қилатган юридик шахсларни доимий равишда хатловдан ўтказиш, электр қувватини тежайдиган асбоб-ускуналарни кенг миқёсда

қўллаш, ускуналарнинг бир маромда ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш, истеъмолчиларга замонавий электрон ҳисоблагичлар ўрнатиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, истеъмол қилинган электр энергияси учун муддати ўтган дебитор қарздорликка йўл қўйган юридик шахсларнинг тегишли ҳужжатларини реестрлар асосида қабул қилиб, қарздорликни мажбурий ундирувга қаратиш ишлари олиб борилади. Бундан ташқари, Миробод туман Давлат солиқ инспекциясига юридик шахсларнинг қарзини йўли томон тасдиқлаб тузган солиштира маълумотномалари қарздорлик суммаси «Тошкент шаҳар электр тармоқлари» ОАЖ ҳисоб рақамига инкасса талабномаси орқали ундириш учун юборилган бўлиб, бугунги кунда қарздорликни ундириш ишлари олиб боришмоқда.

Х. ТўХЛИЕВ, Бектемир тумани ДСИ шўъба бошлиғи

Оталиқдаги соҳа

Паррандачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжалигимиз фаолиятини 2007 йилда 1600 дона товуқ боқиш билан ташкил қилишдан бошлаган эдик.



Ҳам тухум, ҳам гўшт

Президентимизнинг «2013-2015 йилларда Хоразм вилояти саноати салоҳиятини ривожлантириш тўғрисида»ги Қарори биз учун катта имконият эшигини очди. «Агробанк» туман филиалидан 40 млн. сўм миқдорда кредит олиб, паррандалар наслини яхшилаш мақсадида Самарқанд вилоятидаги «Оҳлик» паррандачилик фабрикасидан 7,5 мингта жўжаларни келтириш бўйича шартнома туздик. Шунинг ҳисобига жўжалар

20.000 тага етди. 27,5 гектар майдонни эгаллаган ҳудудда тўртта омборхона, ветеринария буюми, ошхона, товуқ буюми линиялари мавжуд. Шифокор Наримон Жабборов паррандалар зооветеринария талабларига қандай риоя қилинаётганини назорат қилса, Бобур Юсулов, Нигора Норметова, Хуршида Бекмуротова сингари 17 нафар ишчи паррандаларни белгиланган тартибда парвариш-

Лаш билан шуғулланмоқда. Ходимларнинг иш шартини яхшилаш, моддий фаровонлигини ошириш хамиша эътиборимизда. Аҳоли дастурхонини пардиз маҳсулотлар билан тўлдириш мақсадида бор имкониятдан фойдаланаётимиз. Бекберган РАЪМОНОВ, Янгибозор туман «Уйғур» қишлоғидаги «Жуман толи бобо» фермер хўжалиги раҳбари



## Зиё маскани



**Ўзбекистон Миллий университети қошидаги 3-сонли Зангиота академик лицейида ўқув жараёни аниқ фанлар, табиий фанлар, ижтимоий-гуманитар, хорижий филология йўналишларида олиб борилди. Жорий ўқув йилида талабалар сони 185 нафарга кўпайди.**

Академик лицейда 32 нафар педагог фаолият кўрсатади, шундан 3 нафари фан номзодларидир. Талабалар дарслик ва ўқув қўлланмалари билан тўлиқ таъминланган. 2 та компютер синфи мавжуд. Фан кабинетлари ўқув-услубий жиҳатдан бугунги кун талаблари асосида жиҳозланган. Замонавий фан кабинетларида мультимедия во-

ситаларидан фойдаланилган ҳолда янги педагогик технологиялар асосида олиб борилаётган ўқув машғулоти ёшларнинг пухта билим олишларига самарали ёрдам бермоқда.

**Насиба ИСМАТОВА,**  
«Ishonch» мухбири.  
Муаллиф олган суратлар

## Хеч ким четда қолмайди

**Спорт билан шуғулланиш нафақат танга тетиклик бағишлайди, балки инсон руҳияти, фикрлаш қобилиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.**

Бир йил аввал Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги «Янги обод» маҳалласи фаоллари ташаббуси билан «Эъзозли аёллар» спортчи гуруҳи ташкил этилган эди. Эндиликда бу гуруҳ аъзолари сафи янада кенгайиб, улар Ўз саломатлигини мустаҳкамлаш баробарида, жойларда соғлом турмуш тарзи тарғиботи ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келмоқдалар.



## Эъзозли аёллар

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш ҳамда мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами муноса-

бати билан ўтказилган «Хеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» акцияси доирасида давлатимиз раънақи йўлидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ташкилотчилиги, ташаббускорли-

ги ва жамоат ишларида фаол иштироки учун бир гуруҳ хотин-қизларни рағбатлантириш режалаштирилган эди. Унга кўра «Эъзозли аёллар» спортчи гуруҳи фаол иштирокчилари

ридан Қ.Алимова, З.Зокирова, Н.Отамуродова, Қ.Абдуллаевалар ЎзКУФК Фахрий ёрлиги ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.  
**Гўзал НОРЧАЕВА,**  
«Ishonch» мухбири

## Санъат

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Қорақалпоғистонда ҳам мусиқа ва санъат мактаблари фаолияти самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратилаётган. Буни Қўнғирот туманидаги Есмурод Жиров номидаги 10-мусиқа ва санъат мактаби мисолида яққол кўриш мумкин. 152 нафар йигит-қиз таҳсил олаётган ушбу масканда санъатнинг 7 йўналиши бўйича бўлимлар фаолият кўрсатмоқда.

## 2013 йил – Обод турмуш йили

Жиззах вилоятининг Фаллаорол туманидаги «Ғубдин» қишлоқ врачлик пункти янги бинода иш бошлади. Қурилиш қиймати 254 миллион сўм бўлган бино лаборатория, муолажа хоналари энг замонавий тиббий аппарат ва анжомлар билан жиҳозланган.

## Замонавий қишлоқ врачлик пункти

— Бу Президентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, қишлоқда сифатли тиббий хизмат кўрсатиш даражасини оширишга қаратилган улкан эътиборнинг яна бир амалии ифодасидир, — дейди «Лалмикор» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ғофур Жўрақулов. — Қишлоқ врачлик пункти Ғубдин, Гумсой, Чақабўлоқ қишлоқларининг 5 мингдан зиёд аҳолисига хизмат кўрсатади. Вилоятда «Обод турмуш йили» Давлат дастурига асосан 24 та қишлоқ врачлик пункти мукамал ва жорий таъмирланмоқда.

(ЎЗА)

## Касаба уюшма тадбири

Мустақиллик байрамининг 22 йиллиги ҳамда Обод турмуш йили муносабати билан Андижон шаҳридаги «Баркамол авлод» болалар марказида Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшмаси Андижон шаҳар кенгаши томонидан шаҳар спартакиадаси ўтказилди.

## Оммавийликни ошириш йўлида...

Тизимда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар стол тенниси, шахмат, дартс бўйича беллашуларга киришди. — Асосий мақсадимиз ишчи-хизматчилар ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини оширишдир, — дейди шаҳар кенгаши раиси Т.Мамасолиев. — Баҳсларда 11 та муассаса, ташкилот ва корхонадан 50 дан ортиқ ходим иштирок этди. Яқинда стол тенниси бўйича фахрли биринчи ўринни Олтинқўл иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси Музаффар Абдуллаев ва Олимпия захиралари коллежи услубчиси Ирина Кайдашова эгаллади. Дартсда фахрли биринчи ўрин Андижон вилоят Ички ишлар бошқармаси тиббий бўлими инспектори Ботиржон Умаровга насиб этди. Шахматдан эса Андижон Олимпия захиралари коллежи ўқитувчиси Мунисахонов Азимбоева биринчи бўлди. Умумжамоа ҳисобида Андижон Олимпия захиралари коллежи, вилоят Ички ишлар бошқармаси ҳамда Ногиронлар учун минтақавий реабилитация маркази жамоалари кучли ушликни ташкил этди. Ғолиб ва совриндорлар Фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Абдулхай ЮНУСОВ,**  
«Ishonch» мухбири

## Устозлар беллашганда

Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Норин туман кенгаши томонидан истиқлолимизнинг 22 йиллиги ҳамда яқинлашиб келаётган Устоз ва мураббийлар байрамига бағишлаб, 26-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ўрта махсус касб-хунар коллежлари ходимлари ўртасида спорт мусобақаси ташкил этилди.

Қатнашчилар спортнинг волейбол (аёллар), мини футбол (эркаклар), шашка (аёл ва эркаклар) турлари бўйича куч синашди. Қизгин баҳслар натижасида мини футбол ва волейбол бўйича ғолибликни НАМТИ қошидаги академик лицей жамоаси, шашка бўйича Норин Маиший хизмат ва компютер технологиялари касб-хунар коллежи ўқитувчилари Сарварбек Турсунов ҳамда Гулнара Юсупова эгаллади.

Ғолибларга тармоқ касабаси уюшмаси туман кенгашининг қимматбаҳо эсдалик совғалари топирилди.

**Муслимбек ИБРАГИМОВ,**  
Норин Маиший хизмат ва компютер технологиялари касб-хунар коллежи касабаси уюшма кўмитаси раиси

## Мусиқа — қалб рози

Ўқув даргоҳи 2010 йилда реконструкция қилиниб, машғулот хоналари қайтадан таъмирланган эди. Янгидан театр ва амалий санъат бўлимлари очилди. Мактабнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, дарсхоналар янги жиҳоз ва мусиқа асбоблари билан таъминланди.

— Мусиқа — қалб рози, — дейди мактаб директори Жангил Кусепова. — Санъат сирлари билан ўқувчиларни чуқур таништириш мақсадида муаллимлар билан малакасини ошириш бўйича ҳам режали ишлар амалга оширилмоқда.

Таълим маскани ўқувчилари кўрик-танловларда совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. 2011 йил Нукус шаҳрида ўтказилган Муҳиддин қори Ёқубов номидаги танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси босқинида 4 нафар ўқувчи биринчи ўринни қўлга киритди.

Айниқса, фольклор бўлими 2-синфда таҳсил олаётган Айдос Қўнғиротбоева, 3-синф ўқувчиси Шаҳзода Жарширпова мусиқа ва санъат сирларини пухта эгалламоқда. Бунда Гулолим Содикова, Жангил Кусепова каби муаллимларнинг хизмати катта.

**И.ХИКМАТОВ**

## Инсонпарварлик

Шомга яқин кўча эшик олдини супириб-сидириш учун бир челақ сув билан чиқиб кетган Қумрихон яхшигина ҳаяллаган қолди. Амаллаб ҳовли саҳнига тушган қайнонаси эшик ортига келиб, ташқаридан келаётган аёллар товушига биров кулоқ тутгач, келинига эшиттириб томоқ қириб қўйди.

Кўшни аёл билан шошиб-пишиб хайр-маъзур қилганча, ичкарига кирган Қумрихон зийраклик билан қайнонасининг қўлидаги обдастага қўл чўзди. — Берақолинг, ойижон. Кампир, қўлидаги бўш идишни қаршиликсиз келинига узатгани билан талайгина касалликка чалинган, қатор йиллар давомида бормаган шифохонаси-ю, кўринмаган шифокори қолмагани, дарак толган табиби борки, учрагани, кези келганда эскича удумлар ва ўқитишларни ҳам бажаргани, лекин тўлиқ шифосини

қасбий реабилитация қилиш самарадорлигини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори билан «Ногиронни реабилитация қилишининг яқна тартибдаги дастури тўғрисидаги Низоми» (янги таҳрирда) 1-иловага мувофиқ тасдиқланган. Эшитдингизми, ойижон, демак, ҳар бир ногиронга ҳар томонлама соғлигини тиклаш, соғлом одамлардек оила ва жамиятда ҳаёт кечириши, ўқиб хунар ўрганиши ва меҳнат қилишига мўлжалланган бир талай чора-тадбирлар дастури таклиф қилинади. Ушбу Дастурга амал қил-

ган ногирон, белгиланган муолажа-тадбирларни тартибли равишда бажарган тақдирда, албатта, яхшиликка эришади. Чунки тадбирларни ижроси ва натижаси ногиронликни аниқлаган комиссия томонидан назоратга олинди, баҳоланади. Келинининг пишиқ-пухта гапларидан ўзига етарли хулоса қилган кампир қаддини кўтариб, ҳаёдан «ҳарна қилганда ҳам ақли расо, ўқимлишда» деб, жилмайиб қўйди ва ишонч билан деди: — Ҳукумат тўғри ёзибди. Тартиб бўлган ишда албатта барака бўлади. Шу воқеадан уч ой ўтар-ўтмас, Дастурга биноан муолажа олаётган Қумрихон уч-тўрт кўшни аёлларни ҳам кўзлаб театрга чилта кўтариб келди ва Қумрихоннинг қайнонаси қувонч билан келинини ҳам уларга қўшиб, кузатиб қўйди.

**Шоқир ҚОСИМОВ,**  
шифокор

# Ҳаётга қайтиш

лан, барибир унга оғир бир қараш қилиб, сўз котди: — Ҳа, намозгар пайтида кўча эшикдан ёмби топдингизми?

Бу гапдан Қумрихон «пик» этиб қулиб юборди ва эркаланаш билан қайнонасининг елкасидан кучиб қўйди. — Қўшнимиз Қумрихон опа гапга тутиб қолдилар. Бир дунё дард-ҳасрат дегандай...

— Ҳа-а... — деб, унинг гапини қўл силтаб кесган кампир, хассасининг учи билан «обдастага қаранг» ишорасини қилди ва «Дард берган Эгам, шифосиниям беради, ҳадеб ҳасрат қилишга не ҳожат?» дея пешайвонга йўл солди.

Қайнона-келин кечки овқатни еб бўлишгач, Қумрихон ишдан кеч қайтгучи эрига атаб бир товоқ овқатни эҳтиётлаб қўйгандан сўнг, гап айланиб яна Қумрихонга келиб тақалди. Қумрихон, кўшни аёлни бир эмас,

тополмай ҳайронликка учраб юргангача сўзлаб берди. — Айтганча, Қумрихон опа ногиронликда бўлганлари учун, ҳукумати томонидан яқинда уларга ҳам тегишли қарор чиқарилгани ва шундан фойдаланишни маслаҳат бердим.

Кампир, сўроқ нигоҳи билан келинига термулди. — Нима, пенсияси ошарканми? — Йўқ, ногиронларни реабилитация қилиш ҳақида.

Келин, қайнонасининг индамай унинг оғзига тикилиб турганидан англадики, кампир ҳеч нарсага тушунмади. «Мен ҳозир» деб, қаққонгина ичкари уйга кириб кетган Қумрихон сарғая бошлаган газетани кўтариб чиқди ва ўқишга тутинди.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2010 йил 23 декабрдаги 307-сонли «Ногиронларни тиббий-ижтимоий ва

**O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi**  
Muassis:  
**O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi**

**Bosh muharrir o'rinbosari**  
**Zayniddin Rixsiyev**  
Tahrir hay'ati:  
**Muhammad Ali Ahmedov,**  
**Baxtiyor Mahmudaliyev,**  
**Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov,**  
**Jahongir Sharofboyev**  
(Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.  
ISSN 2013-5002  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

**Bo'limlar:**  
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.  
**Viloyatdagi muxbirlar:**  
Andijon +998 91 141-27-70; Buxoro +99893 653 50 81; Sirdaryo +998 90 999 58 30; Jizzax +998 94 418-67-49; Navoiy +998 94 226-28-84; Namangan +998 90 260-50-77; Samarqand +998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo +998 95 502-16-68; Farg'ona +998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm +998 90 719-48-00.

**Manzillimiz:**  
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy  
**Nashr ko'rsatkichi:**  
133  
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

**Navbatchi muharrir:**  
**B. Rizayev**  
Navbatchi:  
**S. Abdurahmonov**  
Musahhih:  
**S. Shodiyeva**  
Bosishga topshirish vaqti: 22.35  
Topshirildi: 23.00  
E-mail: [ishonch2012@gmail.com](mailto:ishonch2012@gmail.com)  
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov  
«Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi. Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.